

**Олий аттестация комиссиясининг
2025 йил фаолияти натижалари бўйича маълумотнома**

1. 2025 йилда **4681** нафар талабгор фалсафа доктори (PhD) илмий даражасида ва **821** нафар тадқиқотчи фан доктори (DSc) илмий даражасида тасдиқланди (I-XI.2025 й.), жорий йилнинг декабрь ойида **520** нафар тадқиқотчини PhD ва **50** нафар тадқиқотчини DSc илмий даражаларида тасдиқлашга тайёрланди.

Йил якуни бўйича **KPI** мақсадли кўрсаткичларининг бажарилиши фан доктори (DSc) илмий даражаси бўйича – **102%**, фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси бўйича – **104%** ни ташкил этади.

2. Шу даврда самарали илмий-педагогик фаолият олиб борган **2834** нафар талабгор доцент, **825** нафар талабгор профессор ва **161** нафар талабгор катта илмий ходим илмий унвонларида тасдиқланди (I-XI.2025 й.), жорий йилнинг декабрь ойида **316** нафар талабгорни доцент, **85** нафар талабгорни профессор ва **29** нафар талабгорни катта илмий ходим илмий унвонларида тасдиқлашга тайёрланди.

Йил якуни бўйича **KPI** мақсадли кўрсаткичларининг бажарилиши профессор илмий унвони бўйича – **102%**, катта илмий ходим унвони бўйича – **101 %**, доцент илмий унвони бўйича - **104%** ни ташкил этади.

3. Хорижий давлатлар муассасалари томонидан берилган **97 та** илмий даражалар дипломлари нострификация қилинди. Шундан **66 таси** фалсафа доктори (PhD), **30 таси** фан номзоди ва **1 таси** фан доктори (DSc) илмий даражалари дипломи ташкил этади.

4. Хорижий давлатларда илмий даражалар тўғрисида берилган **37 та фалсафа** доктори (PhD) дипломи ўрнатилган тартибда **фан доктори** сифатида тўғридан-тўғри **тан олиниши** ташкил қилинди.

5. Жисмоний ва юридик шахсларнинг **345 та** мурожаатлари ҳисобга олинди (шулардан **3 та** оғзаки, **342 та** ёзма). Барча мурожаатларга (**100%**) ўз вақтида жавоб берилди.